

ЁЗУВЧИЛАР СОВХОЗДА

Яқинда «Охангарон» совхозининг ишчилари чорвадор ва механизаторлари, шунингдек, қишлоқ мактабларининг ўқувчилари Иброҳим Раҳим, Акмал Пулат ва Абдулла Орипов билан учрашув кечаси ўтказилди.

Ҳайон партия комитети пропатада ва агитация бўлимининг муdiri С. Ефимовна адабий кечани очиб, сўзни биология фанлари кандидати Нараулла Шодиева берди. Нараулла Шодиева Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда эълон қилинган «Еш ижодий» эълонининг ишчи яхшилаш тўғрисидаги қарори муносабати билан Ўзбекистон ёзувчилари Союзи амалга ошираётган тадбирлар ҳақида сўзлади.

«Муштур» журналининг бош редактори, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, ёзувчи Иброҳим Раҳим учрашув қатнашчиларига ўзининг айрим ромавлари ва киносценариюларининг ёзилли тарихи, ижодий режалари тўғрисида гапирди.

Шонир Акмал Пулат 1925—1928 йиллари Охангарон районини ўқитувчи бўлиб ишлаган. Шонир ўз сўзида Охангарон районини Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва босмачиларга қарши кураш билан боғлиқ бўлган баъзи воқеаларни гапириб берди. Ўзбекистон Ленин комсомол мукофотининг лауреати Абдулла Орипов китобхоналарга ўзининг «Ҳайрат» шеърлар тўпламига кирган «Ҳангома» ва «Яхмалак» шеърларини ўқиб берди.

М. ҚАЙУМОВ,
Охангарон район «Охангарон» газетаси редакторининг ўринбосари.



САБЗАВОТКОРЛАР ДАЛАСИДА

Совхознинг кўз илгасмас май-доиларида меҳнат булоқлари жўш ура бошлади. Баҳор нафаси — ўз қанотини бу серуни ерларга ёди. Ариқ-зовурларни тозалашта-лар қуёшнинг иссиқ нурларида кўм-кўм майсаларнинг бўли билан маст. Гир-гир эсаётган шабада қандайдир завқ ва гайрат бағиш-лаётгандай бўлади. Бу далалар «Назарбек» ва «Тошкент» совхозлари базасида бундан уч-тўрт йил илгари ташкил этилган «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозига қарашли. Совхоз асосан сабзавотчиликка мослаштирилган бўлиб, йилдан-йил юқори ҳосил етишти-раётди.

Совхознинг бу йилги режалари билан танишамиз. Беш йиллик

нинг якуловчи йилида 644 гектар ерга турли қишлоқ хўжалик маҳсу-лотлари экилади. Юз гектар ерга қовун-тарвуз, юз гектар ерга помидор, 88 гектар майдонга ка-рам, бодрий, ош лавлаги, 83 гек-тар ерга картошка экилади. Ҳар гектардан пландаги 11 тонна ўр-нига 16 тоннадан картошка етиш-тирилади. 80 гектар ериг эгаллай-диган мақкажўхориининг ҳар гек-таридан юз центнердан дон олиш юзасидан юсак марра белгилан-ди.

— Бу йил 226 гектар ерга экиладиган сабзавотдан ҳаммаси бўлиб давлатга 4400 тонна маҳсу-лот етиштириб бериш планлашти-рилган. Совхозимизнинг лафзи ҳалол ишчилари 4846 тонна саб-

завот етиштириш юзасидан мажбу-рий қабул қилиди. — дейди совхоз бош агрономи Абдуқодир Нурматов. — Бундан башкариш учун барча ижтимоийларга эғамиз, тех-ника етарли, сувни янада сероб қилиш соҳасида бир мунча ишлар қилинди. Ерларимиз асосан паст-балабдлик ва қирлик ерлардан иборат бўлгани, учун саккиз-тўқ-қиз насос ўрнатиб, экинларни су-гаримиз. Ҳозир картошка экин-ишларни қизғин боришти. Эрта му-датларда экилган экин баҳор е-тирининг сувида яхши баҳраманд бўлади. Уруғнинг тез униб чиқи-ши таъминланади.

Биз йилдан-йилга зафар қуча-ётган Усмон Даминов бошқару-чи бўлган 1-участка сабзавоткор-

ларининг иши билан танишдик. Қишлоқ хўжалиги, хусусан саб-завотчиликда катта тажриба ор-тирган бу мутахассис бир неча йиллардан бери агроном бўлиб ишлаб келади. Бу йиллар мобай-нида Усмон ака сабзавотчилик-нинг сир-асорини яхши эгаллаб олган. Шунинг учун ҳам участка захматкашлари сабзавот ҳосилдор-лигини кескин оширишга эриш-моқдалар. Участкада Мирзаамин Шариповни танимайдиганлар кам-дан-кам топилади. У бошқар-ган бригада аъзоларининг иши ҳаммагини оғзида. Бригада саба-завоткорлари юбилей йилида катта зафар қучди. Бригада бошли-гининг меҳнати муносиб тақдир-ланди. У «Йилги» енгил автома-шинаси билан мукофотланди.

Картошка экинни совхозда би-ринчилардан бўлиб бошлаб юбор-ган бригада аъзолари бу йил гек-таридан 55 тонна ўрнига 80 тон-надан ҳосил етиштириш мажбу-рийлигини олиб меҳнат қилишмоқда. Ариқ-зовурлар тозаланиб, тартиб-га келтирилмоқда. Шу билан бир-га совхоз эҳтиёжи учун қарам, помидор қўчатлари етиштириб бе-раётган совхоз паринида қўчат-лар ўз муддатларида етиштирил-ди. Ҳозир бу ниҳоллар далалар-га олиб чиқилиб ўтказилмоқда.

Т. УНАБОВЕВ,

Суратларда: 1-участка бошқар-увчиси Усмон Даминов. (Ўнгда), ерларни экишга тайёрлаш пайти. А. Тўраев фотолари.

ТАДҚИҚОТЛАР НУЛАМИ

Азот саноати давлат инсти-тут Чирчиқ филиали Ўрта Осиёдаги пахтакор республика-лар ва химия заводларига кўп йиллардан бери баракали ёр-дам бериб келаётди. Уларнинг тизимсиз ижодий ишчилари натижасида бунда келатган талай тавсиялар химия завод-ларида, қолқоз ва совхозларда ишлаб чиқаришга муваффақия-тлик зори этилмоқда.

СССР Химия саноати минис-трлиги филиалда илмий-тадқи-қот ишлари кўламини янада кенгайтириш мақсадида филиал учун янги корпус қуришга қа-рор қилди.

84-механизациялашган кўча колонна коллективни январь ойи-да пойдевор ўрната бошлаган эди. Прораб К. Нурдодов раҳбарлигидаги икки йиллик ку-риш бригада аъзолари бу му-ҳим объектнинг 1 сентабидан фойдаланишга топшириш юзаси-дан социалистик мажбурият қа-бул қилишган.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

МЕХНАТИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ

Ангредаги Тошкент Давлат педагогика институтининг фи-лиалида меҳнат ветеранларини пенсияга кузатиш маросими бўлиб ўтди. Биринчи сўзга чиққан шайхлар Т. С. Ерохина, Е. П. Юдина, Н. В. Токутоло-ва, А. Ф. Буткиналарнинг ўр-нак олса арийдиган хизматлар-и тўғрисида тўққилиб га-пирди.

Ингилишларнинг қараклари остида юбиларга республика маориф министрлигининг фах-рий ёрликлари ва асалик сов-галари тақдим этилди.

А. АБДУЛЛАЕВ.

ЕМ-ХАШАК ЕТИШТИРИШГА ЭЪТИВОР КУЧАЙТИРИЛДИ

Март-апрель ойлари хўжалик-ларда чорва моллари учун зами-ратан эм-хашакнинг салмоғи ва сифати қандай эканлигини амалда кўрсатадиган ойлардир.

Ўтган йили эрта қўламдан бу ишга пухта киришиб ёз, кўз ой-ларида етарли миқдорда озуқа жамғариб қўйган, яъни силос ва сенаж тайёрлашга эътибор бер-ган, шунингдек, озуқанинг сифати-га, исроф бўлишига йўл қўймаган ва қиш ойларида унинг яхши сақ-ланишига таъминлаган хўжалик-лар худди шу кунларда ҳам чорва молларини етдан тўшмади, яхши бўлмоқдалар. Собиқ олинатган сўт миқдори ва унинг мойиллиги ҳам пасайгани йўқ. Ленин, чорвачиликни ривожланти-ришнинг асосий омилларидан би-ри бўлган бу ишга алоҳида аха-мият бермаган хўжаликларда шу ойларда ем-хашак таъминлиги се-зилди. Бу эса ўз навбатида чор-ва моллари маҳсулдорлигининг па-сайиб кетишига олиб келади.

Охангарон районини ҳар ик-ки тоифага ҳам киритиш хў-жаликларини учратиб мўжиб. Райондаги йиллик 9 хўжаликдан яқинда ем-хашак етарли бўлса, қолганларида озуқа камчилиги сезилмоқда.

«Охангарон» совхозини йил-ли, сертармонли, бошқа район хўжаликларида наслдор этли қўйлар етказиб бериш хўжали-ди. Унинг 4 бўлинидаги фебру-ларда 2300 бош қорамол, 11 минг бош кўй болмоқда. Шундан 750 бош ситир ва 6500 бош совиқ қўйлардир. 10 минг бош тову-ниг 8,5 мингта тухум қилади. Ата шу фермаларда молларнинг маҳсулдорлигини ошириш бори-сида гап очилганида пировад на-тижасида ем-хашак базасига келиб тўхтади.

Совхоздаги 750 бош ситирнинг 250 таши етган ва серуот ситир-лар бўлишига қарамадан ўтган йили ҳар бош ситирдан соғиб олинган сўт 2800 килограммданга тўғри келди. Шу йилнинг январь-февраль ойларида совхозда ҳар кў-ни 5 минг килограммдан сўт тай-ёрланган, ҳозир сўт миқдори бироз камайди. Собиқ олинатган сўтин-инг мойиллиги эса айниқса пасайиб кетди.

— Агар силос етарли бўлганда эди, — дейди совхоз бош зоотех-ниги Г. В. Юдин, — ҳар кўни 7 минг килограммга етказиб сўт со-ғиб олиш мўжиб бўлар эди.

— Бундай ахволга бировчи марта дуч келмаётганимиз, — бош зоотехникнинг сўзини бўлади сов-хоз партия ташкилотининг секре-тари Х. Бўронов. — Биз ҳар йили шу ойларда ҳатто райондаги бош-қа хўжаликларда ем-хашакдан ёр-дам бериб келар эдик. Бу йил эса улардан ем-хашак сўраб мурожа-ат қилишга тўғри келяпти. Бу

бизга аччиқ сабоқ бўлди. Биз бун-дан албатта тўғри хулоса чиқара-миз.

Район ҳисоблаш марказининг март ойи бошларида тўплаган маълумотига кўра «Охангарон» совхозда ўтган йил худди шу даврда 990 тонна силос мавжуд бўлган бўлса, ҳозир унинг миқдо-ри 234 тоннага, тушиб қолган, Худди шунингдек, сенаж 567 тон-на ўрнига 135 тонна, пичан 784 ўрнига 244 тонна ташкил қилади. Ўтган йили бедазорлар яхши парвариш қилинмасдан кам ҳосил олинганлиги, 187 гектар ерга силос учун мақкажўхори эки-либ гектаридан 206 центнердан мақкажўхори кўпоясди олинганлиги туфайли шундай ахвол юз берди. Ўтган йили бошқили экиндан мўн-кул сомон жамғарилиди. Март ойи бошига келиб хўжаликда 293 тон-

на Бир ерда яна бир солиштирма рақамни келтириб ўтган мақсадга мувофиқдир. Ўтган йили Вороши-лов номи совхозда гектаридан 84 центнердан «Галиякудук» сов-хозда 70 центнердан ошириб мақкажўхори дони олинган бўлса, «Октябрь» совхозда 40 центнер-дан, «Охангарон» совхозда эди 43 центнердан мақкажўхори дони олинди. Район бўйича 769 гектар ерга экилган мақкажўхориининг ҳар гектаридан 59,9 центнердан дон олинди. 3300 гектардан ортиқ эски бедазорларнинг ҳар гектари-дан 71,8 центнердан беда пичани олинди.

Бу йил районнинг ўзига хос ху-сусиятлари ҳисобга олиниб, 1200 гектар ерга дон учун, 1475 гек-тар ерга силос учун мақкажўхори экини, 290 гектар ерга хашаки

„Тошкент ҳақиқати“ газетаси ва область радиоэшиттириш редакцияси рейди

на сомон бор эди. Ҳозир эса бир-нилограмм ҳам сомон йўқ. Район-даги «Октябрь», «Олмалик» ва Серго номи совхозларида ҳам ах-вол худди шундай. Умуман ўтган йили сенаж тайёрла-шга эътиборсизлик билан қа-ралди. Район бўйича ўтган йил-да йилнинг бошида 5126 тонна сенаж мавжуд бўлса, ҳозир унинг миқдори 1255 тоннага ташкил қи-лади. Бу ўтган йилдагидан 3871 тонна кам, демекдир. Шу-нингдек, район бўйича пичан миқ-дори ҳам ҳозир 1382 тонна ка-майиб кетган.

Ленин, районда ем-хашак етиш-тиришга алоҳида аҳамият бериб, чорва моллари учун мустаҳкам озуқа базаси вужудга келтирилган ва шу кунларда ҳам кўп маҳсу-лот олаётган хўжаликлар бор.

Юқорида номлари санаб ўтил-ган хўжаликларнинг раҳбарлари ахбороти учун райондаги Собир Раҳимов номи, «Ангр» ва Во-рошилов номи совхозларида ҳо-зир мавжуд бўлган ем-хашак миқ-дори тўғрисидаги баъзи рақамлар-ни келтириб ўтамиз.

Собир Раҳимов номи совхозда ўтган йили шу даврда 838 тонна силос қолган бўлса, бу йил ҳўжа-лида 4200 тонна силос бор. «Ангр» ва Ворошилов номи совхозлар ҳам ҳозир ўтган йилда-гидан 800 тоннадан кўпроқ си-лосга эгадирлар. Шунингдек, бу хўжаликларда пичан ҳам ўтган йил-дагидан анча мўл. Бу фактлардан кўриниб турибдики, чорва молла-ри учун етарли миқдорда ем-ха-шак жамғариш хўжалик раҳбар-ларининг ишбилармонлигига ва жонқуярлигига кўп жиҳатдан бог-лиқдир.

давлати, 320 гектар ерда кўк ҳо-лида етириш учун бошқили дон экилади ва 1900 гектар ерда эски бедазор барпо қилиш план-лаштирилди. Бу экинлари экин ҳозир район хўжаликларидан кенг сўрдада бошлаб юборилди. Бу тад-бирлар, албатта, ўз самарасини бериши ва чорва моллари учун мустаҳкам озуқа базасини вужуд-га келтиришнинг керак.

Яқинда область партия комите-ти ва область икрония комитети-нинг хўжаликларда алмашлаб экинни кенг жойи қилиш тўғри, сидаги қарори эълон қилинди. Қарорда алмашлаб экин чорва моллари учун мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш-нинг асосий омил эканлиги алоҳи-да таъкидлаб кўрсатилган. Охан-гарон район партия комитети, район икрония комитети ва район қишлоқ хўжалик бошқармаси бу қарорда кўрсатилган тадбирлар-нинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш ва чорвачиликни ри-вожлантириш учун ем-хашак ба-засини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бериши керак.

Охангарон — областимизнинг йиллик қўйчилик райони. Охан-гаронлик азамат чўпонлар Қўрама тоғлари этакларидаги кенг яйлов-ларда қишнинг қирқиллама кун-ларида филдорона меҳнат қилиб, ўз отарларидаги қўй-қўзиларни қишловдан яхши олиб чиқди-лар. Ҳозир районнинг ҳамма отарла-рида қўзиларни ҳамма отарла-ниб кетди. Район чўпонлари бу йил назида 44 минг бош қўзи олиш учун курашмоқдалар. Эрта қўзилатилган совиқлардан март ойининг бошига қадар 3650 бош қўзи олинди ва улар яхши парва-риш қилинмоқда.

Генерал Собир Раҳимов номи совхоз чўпонлари ўтган йили ҳар 100 бош совиқдан 87 бошдан қў-зи олиб районда оғзада қолган экинлардан бери ўтган йили камчи-ликлардан тўғри хулоса чиқариб, бу йил чорва қишлоқини муваф-фақиятли ўтказди. Қўзиларни кампаниясига катта тайёргарлик қилиди. Совхоз чўпонлари 3400 бошга яқин совиқнинг ҳар 100 бошдан дастлабки маж-бурийатлари 95 ўрнига 110 тадан қўзи олишни мўлжаллашмоқда.

«Ангр» совхозидан Мўмин Холтуров 130 бошдан, жаъми ўз отари бўйича 760 бош қўзи олиш, Тошкент от заводида Усвали Баратов 115 тадан, жаъми 938 бош, Ворошилов номи совхоздан Ах-мат Муллаев ҳар 100 бош совиқ-ликдан қўлаб қўзи олиш учун курашмоқдалар. Бу чўпонлар қў-зиларни кампаниясига ҳар томон-лама пухта тайёргарлик билан ки-ришди.

Ҳозир кенг яйловларда қў-катлар қийос Улиб чиқмоқ-да. Қўкатга оғзи теккан қўйлар қуруқ хашакини мўла-қабат емайди. Қўкат эса ҳозирча қўйларнинг, айниқса совиқлар-нинг озуқига бўлган талабини қондира олмади. Совиқлар қў-зиларга пайта албатта, қонцен-трат озуқа ейишлари керак. Ле-кин хўжаликларнинг қонцентрат озуқа билан таъминлаш иши мут-лақо қонқарсиз ахволда.

Область совхозлари трести, бо-винчодини совхозлари трести рай-он хўжаликларини қонцентрат озу-қа билан таъминлаш ишига эътиборсизлик билан қарамоқ-да. Бу трестлар қарамоқ-даги совхозларда отарларга қон-центрат озуқа жуда ҳам кам кел-тирилган.

Охангарон райони якуловчи йилда давлатга жуда кўп миқ-дорда чорвачилик маҳсулотлари етказиб беради. Бунинг учун рай-оннинг барча хўжаликлари шу кунларда ем-хашак экинлари экинни ўз муддатида ва сифатли ўтказиш, ундан мўл ҳосил етиш-тириш учун катта қўраш олиб бориш керак. Тўққизинчи беш йиллик-ни барча соҳалар бўйича муваф-фақиятли якунлаш учун социа-листик мусобақани қизғин анж олдириб гайрат кўрсатиб меҳнат қилиш керак.

Б. ШОНАЗАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати» газе-та-сининг махсус мухбири.

Х. ТУРАЕВ,
область радиоэшиттириш ре-дакциясининг махсус мухби-ри.

(Шу рейдининг радиода эшитти-риш учун тайёрланган вариантни бугун Тошкент вақти билан со-ат 19.30 минутда II программа да эшитишнинг мўжиб).

ДУНЁ ОВОЗИ

ШВЕЦИЯ КОМУНИСТЛАРИНИНГ СЪЕЗДИДА

СТОКГОЛЬМ, 17 март. (ТАСС ва «Правда» мухбирла-ри).

Бугун бу ерда сўз партия — Швеция коммунистлари XXIV съезди ўз ишнини тамомлади. Делегатлар беш кун давомида партия фаолиятининг амалий масалаларини, яъни даврга мўл-жалланган ҳаракат программаси-ни муҳокама қилиди.

Ҳаракат программасида пар-тиянинг ишчилар сифи ҳақидаги манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнаткашларнинг демократик ва социал ҳуқуқларини кенгай-тириш соҳасидаги, монополи-стик капиталининг ҳужумига қар-ши кураш соҳасидаги фаоли-тини кучайтириш вазифалари баён этилган. Бу вазифа ишчи-лар сифининг бирлигига эри-шилган тақдирдагина муваффа-қиятли ҳал этилиши мўмкинли-гини съездда таъкидлаб ўтил-ди.

Съезд материалларида шу исра ушқирланди, социали-стик мамлакатларнинг барча тинчликсевар халқларнинг қўл-гайратлари туфайли дунёда со-дир бўлган ва халқаро кескин-

ликин юмшатишга олиб боради-ган ижобий ўзгаришлар меҳнат-кашларнинг, ишчилар, социа-лизм йўлидаги синфий кураши-ни янада ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитларни ку-жуга келтирди. Сўз партия — Швеция коммунистларининг ҳа-ракат программасида Швеция-нинг бетарафлик сиебатини из-чиллик билан ўтказиш мўжби-лиги таъкидланади. Европанинг шимолини ядросиз зонага ай-лантириш тўғрисидаги талаблар қўлаб-қувватланади. Съезд қа-бул қилган ҳужжатларда Ҳинди-Хитой, Чили халқларининг, фа-листинлик араб халқининг кура-ши билан бирдмлик изҳор этилган. Съезд Уругвай, Арген-тинада ва бошқа мамлакатларда коммунистлар ҳамда бошқа та-раққиётпарвар арбоблар қамонга олинаётганлиги ва таъкид эти-лаётганлиги қарши норозилик билдирди.

Съединиш якуловчи мажли-си охирида «Интернационал» қўйлади.

П. КОНОВАЛОВ,
Ю. КУЗНЕЦОВ.

ПРАГА КЕНГАШИГА ЮКСАК БАҲО БЕРИЛДИ

ПРАГА. (ТАСС). ЧКП Мар-казий Комитетининг президи-уми социалистик мамлакатлар Коммунистик ва ишчи пар-тиялари Марказий Комитетла-ри секретарларининг 1975 йил 4—5 март кунлари Прагада бўлиб ўтган кенгаши якулани-ни муҳокама қилиб, ЧКП деле-гатларнинг фаолиятини маъ-қуллади ва кенгашида қабул қилинган қарорларга қўшилган-лигини билиди. Деб хабар бе-ради ЧКП агентлиги.

ЧКП Марказий Комитети-нинг президиуми идеология со-ҳасида қардош партиялар ва мамлакатлар икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик ни кучайтириш ва кенгайтириш

учун ана шу учрашунинг аха-миятига юксак баҳо берди.

ЧКП Марказий Комитети-нинг президиуми бутун партия ва бутун чехословак халқи фа-шизм устидан қозонилган га-лабанинг 30 йиллиги ва Чехос-ловакия Совет Армияси томо-нидан озод этилганлигининг 30 йиллиги йили меҳнат гайрати ва ижодий активлик ўстаи бир вақиятда ўтиш учун ва бу йил-дан социалистик тўзумнинг афзалликлари ҳамда маркс-изм-ленинизм голлари кўчини яна бир бор намойиш қилиб кўрсатиш учун қўлдан келган ҳамма ишларни қилади, деб ишонч билдиради.

ЧЕГАРАДА ОХИРГИ ЧОК ПАЙВАНДЛАНДИ


БЕРЕГОВО (Закарпатье об-ласти), 16 март. (ТАСС мухби-ри Ф. Прохоренко). Совет — Венгрия чегарасида СССР би-лан ВХР қурувчиларнинг ме-ханизацияланган колонналари учради. Улар диаметри 820 миллиметрга борадиган янги транс-Европа газ қурувлари охири қосини лавиналилар ва текисланган мағзални ёқад-лар. Совет томонидан «Ужгас-строй» бирлашмасининг энг ях-ши электр пайвандчилари Борис Рихнов ва Борис Яблоков шу шарафга муносиб бўлдилар. Бу операцияда венгриялик қурув-чилардан Андриш Тот ва Дью-ла Вадал қатнашадиган бўлди-лар.

Курилишнинг битиши муно-сабати билан чегарада митинг бўлди. Совет — Иттифоқи ва Венгрия халқ қурилиш коллек-тивларининг раҳбарлари инги магистрал фойдаланишга тай-ёрлигини маълум қилиди. Бу магистрал «Братство—3» де-ган ном олди.

БУНДЕСТАГДАГИ МУНОЗАРАЛАР

БОНН. ТАСС мухбири А. Топуев хабар қилади: ГФР канцлери Г. Шмидт Бундестаг-да «ички хавфсизлик» деб аталмиш масалалар ҳусусида байот берди.

Экстремистлар ва анархис-тларнинг террорчилик хатти-ха-ракатлари муносабати билан у опозициядаги ХДС — ХСС пар-тиясини кескинлик ва қўрқув ваъитини кучайтиришдан огоҳ-лантирди. Хусусан, тартибсиз-«бутун қатъий билан ҳимоя қилиш зарур», дейди канцлер. Айни вақтда у «андаккина бўлсада Гестапо практикасини эслатадиган мисолларга ҳай-тишни ҳеч қандай вақтар бн-дан оқлаб бўлмаслигини» таъ-кидлаб ўтди.



ВЕНГРИЯ. Токаеда Будапешт телевидениеси эшитти-ришларини қабул қилиб олувчи ретрансляцион станция ишга тушди. Эндиликда пойтахт ва Печ шаҳардан таш-қари бу райондаги аҳоли ҳам «зағори экран» эшит-тиришларини томоша қилишмоқда. Суратларда: (чапдан) Токае телеиндораси, (Ўнгда) станция операторлари И. Рожа ва И. Вадон.

МТИ—ТАСС фотоси.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА СТАЛИНГРАДДАН БЕРЛИНГАЧА

Сўнгги имтиҳонлар ҳам тугади. Беш йил бир партада ўтириб билим олган йигит-қизлар энди хайрлашиб, ўз қишлоқлари томон йўл олмақда. Уларни мактаблар кутмоқда. Энди бутун ҳаётларини ёшлар тарбиясига бахш этадилар.

Мусо ҳам қувона-қувона педагогик дипломинини қўлига олди. Ёшлардан орау қилган кийимга етди. Лекин, унинг қувончи узокча чўзилмади. Тағсимоли комиссияси белгилаган жойга жўнайман, деб турганда уруш бошланиб қолдию, бектеп йўли фронтга тушди. Олдин у Москва остоналарида жанг қилди. Пулемёт билан душманга қирон келтирди. Сўнг Сталинград жангига қатнашди.

— 1942 йилнинг 19 ноябрыда бўлган бир воқеа ҳамон кўз ўнгимда, — деб ҳикоя қилади Мусо Соҳаев. — Шу кунни бизнинг қисмларимиз Дон дарёсининг гарбий қисмидаги плацдармин мудофаа қилиб турар эди. Биз олдинги линиядаги окопларда эдик. Эрта билан соат 8 ларда бутун фронт бўйлаб дарёнинг шарбий қирғоғидан катюшалар билан йўлга ўқ урди. Шундан сўнг дарёнинг шарбий қисмида жойлашган оғир тулпардан ҳамда плацдармдаги кўп сонли тўп ва миномётлардан душман истеҳкомларини жадал ва тўхтовсиз ўққа тутди бошладик.

Артиллерия тийғарлиги икки соатча давом этган, яна дарёнинг шарбий қисмидаги катюшаларнинг залли енгилди. Бу вақт ичиде тепалик оққасига яшириб қўйилган танкларимиз ҳужумга ўтди. Танклар кетидан биз ҳам олға ташландик. Душман истеҳкомларини ёриб ўтиб, тўрт километр наридаги қишлоқни эгалладик. Кейин ротамиз шу қишлоқнинг мудофаа қилиш учун қолдирилди.

Биз янги қисмлар етиб келгуча ишғол қилинган қишлоқни немис қўшинлари ҳужумидан мудофаа қилиб, илгариларда кетган қисмларимизни орқа томондан бўладиган душман ҳужумидан сақлаб туришимиз керак эди.

Биз дарҳол шу қишлоқда немис-фашистлар тийғарган мудофаа истеҳкомларини ўзимиз учун мослаб олдик. Бироздан сўнг фашист қисмлари биз турган қишлоққа ҳужум бошладик. Дастлаб бир неча минут тўпта тутиди ва сўнг ҳужумга ўтди. Биз ҳам уларни тўхтовсиз ўққа тутиб бошладик. Орада шиддатли жанглар бошланди. Мен кўл пулемётдан тўхтовсиз ўқ увардим, дўстим Николай Коленцов ёрдам бериб турарди. Охири лентани пулемётга ўрнатиб яна ўтичим биланок энимида портлаган снаряддан дўстим Николай яралди. Отишни бир дақиқа бўлса-да, тўхтатиб, дўстимнинг ярасини боғладим ва яна ўз постимни эгалладим. Охири лентадиги ўқ тамом бўлди. Душман эса ўлар-тириларига қарамай, ҳамон ҳужум қилар ва позицияларимизга ақиллашиб келарди. Мен наридоқда этган миллитнинг олмақчи бўлиб, эними қарадим. Шу дамда праласка ҳам сариқ ташлаб кетмаган дўстим Николай ўқланган лентани қўлимга туқказди. Кейин билсам Николай бир қўлга лентани ўқ жойлаган экан. Дарҳол янги лентани пулемётга ўрнатиб яна отишни давом эттирдим. Душман шиддатли қарши ҳужумимизга бардош беролмай орқага чекинди...

Мусо ана Соҳаев Сталинграддан то Берлингача душман билан жанг қилиб бориб III даражали «Шуҳрат» ордени, қанчалар жонғор медаллар билан мукофотланди. Фронтдан сўнг у яна ўз севган касби — педагогик билан машғул бўлди. Ёшларга билим бериш билан бирга қатор илмий монографиялар ҳам яратди. Ҳозир у Тошкент Давлат Университети математика факультетининг доценти. Буюк Ғалабанинг 30 йиллиги арафасида ўз курулдошлари босиб ўтган юмшол йўл ҳақида ёшларга сўзлаб бермоқда.

**Р. МАДАТОВ,
М. МИРЗААХМЕДОВ.**

Редакцияга келган мактуб бизни йўлга чорлади. Унда бир гуруҳ беморлар шахардаги 13-касалхонанинг меҳрибон шифокорларига газета орқали миннатдорчилик билдиришни бахш қилган. Ўшарга кўриб бўлган мудири В. Комиловга мақсодини айтган эдик, у:


— Шифокорлик бурчимизни бажарганимиз ҳолос, — деди камтарлик билан. Сўнг бизни хонага таклиф этар экан «сухбатни нимадан бошлаймиз», деган маънода бизга назар ташлади. Сўнг ўз саволига ўн жавоб берди:

— Биласизми, ҳозиргина уч бемор соғайиб уйига қайтишга рухсат олди. Бизнинг меҳнатимизга баҳо берадиган ана шу беморлар билан гаплашганимиз маъқул. Яхшиси уларни шу ерда таклиф қилай, ўзини таълашсин. Бизга бу таклиф маъқул тушди.

Мавлуда ИСРОИЛОВА. — Калинин районидagi «Қорасу» совхозда бухгалтер бўлиб ишлайман. Касалхонага келганимизда аҳволим жуда оғир эди. Очигини айтсам шунчалик тез вақтда оёқда туриб уйга қайтишимизга ишончқараман эдим. Бу ердаги шароит, дардкам, ширинсухан шифокорларнинг меҳрибончилиги туфайли тезда дардига даво топдим. Мама соғайиб уйга қайтмоқдам, эртанги кун ҳеч нарсага кўригандай бўлиб кетаман. Мен шифокорларга миннатдорчилигимни қандай сўз билан ифодалашга оқинаман. Бу ердаги бизнинг дардимизга даво топаётган врачлардан тортиб то оидий ҳамшираларга ҳаммасига минг бор раҳмат.

Воҳид ЖАЛИЛОВ. Пенсияерман. Мен Мовлуда Исроиловнинг сўзларини кўлаб-кузаттайман. Ҳақиқатан ҳам бу ерда биз беморларга қандай эътибор билан қарашди. Кескаликми, кейинги йилларда оёқларимизда шип пайдо бўлиб юрмоқда қолдик. Бу ерда тўрт ҳафта даволашга ана бутун уйга қайтдиман. Оғриқ буткул йўқолди. Ўзини анча бардам сезилган. Бўлим мудири В. Комиловга, хирурглардан И. Мухомов, Г. Рустамов, катта ҳамширалар Р. Смирнова, В. Колесникова, ҳамшира Д. Жуматоева, Р. Очилова, П. Оршов ва бошқаларга чин юракдан миннатдорчилик билдираман.

Геннадий РЯБУХИН. — Улуғ Ватан уруши қатнашчисим. Менга касалхонанинг меҳнатсез, вар, ширинсухан, эътиборли ҳамда сезир шифокорлари ёниб қолди. Бу ерда беморларни ши-



МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ

рин сўз билан даволашга катта эътибор беришар экан. Минг раҳмат.

Биз суҳбатда бўлган беморлар касалхонанинг хирургия бўлими шифокорлари меҳнатидан хурсанд бўлиб гапирарди. Бугун бу ерда дардига даво топиб уларни қайтаётган кишилар меҳрибон шифокорлари билан хайрлашар экан, уларга юракдан миннатдорчилик билдиришарди. Ҳа-

қиқий шифокор учун эса «Минг раҳмат, доктор» деган икки оғиз самимий, илқ сўздан ортқи мукофот йўқ.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

Суратларда: (юқориди) касалхонанинг бош врачлари М. Ми-рахмедов (чапдан), врачлардан В. Комилов ва Г. Рустамов. Пастда хирургия бўлими ҳамшираси Д. Жуматоева.



ДИЛРАБО ҚЎШИҚ — ВА КУЙЛАР

Куйи Чирчиқ районидagi Свердлов номидаги Ленин номидаги колхозларнинг клублари кўпича гавжум бўлади. Ленин номидаги колхознинг 600 ўринли клубида тез-тез концертлар ва турли кинофильмлар кўйиб турилади. Свердлов номидаги колхозда ҳам шундай манзарани кўриш мумкин. Район маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари шу колхозларда тез-тез бўлиб, колхозчиларни хушнуд этмоқда.

МАШИНАЛАР „ШИФОХОНАСИ“

«Жигули» автомашинасини кўриқдан ўтказиб туришни яхшилаш мақсадида Олмаликда янги станция ишга туширилди. Машиналар шифохонасида турли ремонт ишлари бажарилади. Станция бир йўлга 15 та авто мобилга хизмат қила олади.

Областимизда бундай станциялар кўриш ишлари йилдан-йилга кенгайиб бораверди. Шу йилнинг охиригача Бекобод, Оҳангтон районларида ҳам машинага техник хизмат кўрсатиш станциясини ишга тушириш мўлжалланган.

ҚОНУН ҲИМОЯЧИСИ

Ҳалид Расулов билан учраш-гуча қадар у ҳақда мен кўп нарсаларни билдим олдим.

Ким билан суҳбатлашмайин, Ҳ. Расуловнинг меҳнатсевар, ҳаракатчан, одил терговчи эканлигини туғилганиб гапирарди. Унинг меҳнат фаолиятини кўрсатувчи ҳужжатлар ҳам ана шу ҳақда ҳикоя қиларди. Терговчининг шахсий делосида 20 дан кўп бўйруқлар бўлиб, улар Ҳалид анага билдирилган миннатдорчилик ифодаси эди. Терговчи Ҳ. Расулов СССР Бош прокуратурасидан қатор мукофотлар олишга муваффақ бўлган.

У ҳамда республика прокуратурасининг биринчи ўринбосари, қилару бошқармасининг бошлиғи В. А. Зотов ҳам илқий фикрларни билдирди.

Тошкент шаҳар Киров район прокуратурасида Расулов билан учрашдим. Менинг олдимда бўйчан, тўладан келган, зиялиларга хос ноин қиёфали киши ўтирарди. Унинг қалин сочларига аллақачон қиров қўнган...

Ҳалид ака ўзининг меҳнат фаолиятини Қашқадарё областининг Янқабоб районига бошлаган. Бу районга у 1945 йил Тошкентдаги юридик мактабни тугатган. Ўйлаш билан юборилган.

— Тўғрисики айтсам, мен раёнда дарҳол бора қолмадим. Аввал обила прокуратурасида таъжияман қолган билан танишдим. Эндикини 21 ёшга тўлганлигим ва юридик мактабга қадар тақриблар бригадасида ҳисобчи бўлиб ишлаганлигим тўғрисидаги

маълумотларни ўқидим. Практикант сифатида ишлашга қолдиришди. Янқабоб районига юборилди. Ҳалид ака районда жиний ишларни фотиш этиш борасида кўп ишлар қилди. Ленин, тез орада билдирилган етарли эмаслигини ҳис этди. Шундан кейин у Тошкент Давлат университетининг юридик факультетига сирдан таълим ола бошлади. Ўқини ва ишни муваффақиятли олиб бортан Ҳ. Расулов СССР Бош прокуратурасига лавозими белгисиз берилди.

Терговчи Янқабоб районига 5 йил. Наманганнинг Ўқчи районига 10 йил ва бошқа қатор районларда ишлаб, ўз маҳоратини оширди. Бир вақтлари ўн шогирд ту-тиш, терговчининг касби сирасорларини ағаллаб бўлса, эндиликда Тошкент Давлат университети юридик факультетининг талабалари Ҳалид анага шогирд тутишди. Албатта ҳар қандай терговчининг фаолиятидан бирон мерос келтирмай туриб унинг ишига баҳо бериш қийин. Бу ҳақда сўз юритганимизда Ҳ. Расулов ўз ҳаётида рўй берган ана бу воқеани ҳикоя қилиб берди:

— Мен у вақтда Октябрь рай-он прокуратурасида ишлар эдим. Тунда шаҳар бўйича навбатчи телефон қилишиб, район кўчаларидан бирида мурда ётган киши маълум қилинди. Мен ўша вақтда навбатчи қисмда эдим. Оператив гуруҳа тасвифида қонсиз рўй берган жойга тезда етиб бордим. Ҳақиқатан ҳам, йўлакда қи-

рағига пичоқ санчилган бир киши йатган эди. Янқабоб қидирув бўлими, нинг ходимлари ва экспертлар билан биргаликда воқеа содир бўли-ни жойини яхшилаб ўргандик. Ле-кин, жинийотчи деярли ҳеч қандай ўқ қолдирмаган эди. Янқабобу-чининг чўнтақларини қараганимиз-да биронга ҳужжат ҳам чиқмади. Ҳалок бўлган шахснинг қимлиги ҳам номаълум эди.

Район прокуратураси бу воқеани юзага чиқаришни Ҳ. Расуловга топширди. У участка инспектори билан биргаликда гувоҳлар қиди-ришга тушди. Тез орада бир аёл билан суҳбат чоғида аниқгина фактлар аниқланди. У кечаси иш-дан келишганда, челада қум та-пиётган икки аёлни кўрган. Аёл-лардан бири бўйчан ва бараста эканлигини билдирди. Улар «Ана-ви кўчага кирмаган, у ерда маст этибди» дейишган.

Энди қум ташиган аёлларни топиш керак эди. Ҳалид ака улар воқеа содир бўлган жойдан ўзоқ-да яшамасалар керак, деган фикр-га келди. Участка инспектори шў-яқия ўртада ишайдиган барча ба-лалдан бўйли аёлларнинг рўйхатини тўзиб чиқди. Учинчи кун эса таҳмин қилинган аёл топилиди.

Уша оқшомда аёл ўз қизин би-лан кумга бортан. Худди ана шу вақтининг ўзида аллақандай маст кўчага кириб сўқина бошлаган. Аёлнинг қизига таниш бўлган йи-гит қабиландир, пайло бўлган-у, маст билан баҳслашиб кетган. Оқшомда, ана шу кўнглисиз хо-диса рўй берган. Аёл Ҳ. Расу-

ловга қизи билан таниш йигит-нинг адресини беради. Унинг хо-наси қидирувдан ўтказилганда кейин таҳмин қилинганда қотил-нинг қийми экспертидан ўтказил-ди. У қанчалик тосалаб ювиган бўл-масин, қийимда қон доғлари борлиги маълум бўлди. Тўплаган даллалар, мантйини мулоҳазалар натижасида қотил ўз айбини бўй-инга олди. У қамолдан қайтган, жуда кўп жинийотлар содир қи-либ «қўзи пишиб нетган»лардан эди. У ўз қилимига яраша жа-зосини олди...

Яқинда у хавфли бир жинийотчи билан юзма-юз олишиб қолди. Бу олишувда Ҳ. Расулов юраги атро-фидан отир яраланди. Лекин қон-та бўлган ҳолда ҳам қотил билан олишсини давом эттирди. Мили-ция ходимлари ёрдамида қотилни ушлаб қолди.

Мен учрашган вақтда Ҳалид ака соғайиб қайтган, яна ўзининг таш-вишчи, лекин шарафли ишини бошлаб юборганди.

Шунда мен терговчи: — Неге шу касбни ташладингиз? Бу воқеалардан кейин афсуслан-майсанми? — деб сўрадим.

— Мактабда ўқиб юрган вақ-тимдаёқ юрист бўлишга қизиқар-дим. Кейинчалик бу касбни севиб қолдим. Терговчи бўлиб 30 йил ишладим.

Ҳалид Расуловнинг ана шу жа-вобидан қонун ҳимоячисининг ўз-ишга бўлган меҳр-муҳаббат ба-р, ралла сезилиб турарди.

С. НЕСТЕРОВИЧ.

Спороб

КУБОК ҲИМОЯЧИСИ БОШЛАНДИ

Сухуми ва Эштер, Адлер ва Запарожье, Душанбе ва Фрунзе, Симферополь ва Боку ша-ҳарларининг футбол майдонла-ри яқинда кунин минг-минг-лаб футбол шинавандаларини ўз бағрига олди. Бу шахарлар-да СССР кубогини учун саралаш мусобақалари бўлиб ўтди. Би-ринчи лигада қатнашаётган 16 та команда ўзаро куч синашди.

ОЛИГ ЛИГА КОМАНДАЛАРИ КУБОК МУСОБАҚАЛАРИНИНГ 1/16 ФИНАЛ ҲИМОЯЧИСИ

23 мартда «Спартак» командаси Олимпиада терма командаси базаси бўлганлиги учун у кубок учун курашини 1/16 финал мусобақаларидан бошлади. Киевнинг динамовчи-лари эса «Вайроқ шарафи» совринини қўлга киритганлиги учун чорак финалдан бошлаб кубок мусобақаларида ишти-рок этадилар.

«Пахтакор» мухлислари Ор-

УЧ ҒАЛАБА

«А» класини биринчи групп-ада қатнашаётган аёллар во-лейбол командалари мамлакат чемпионатининг туринчи тури Олмаота шахрида бўлиб ўтди. Бу турда Тошкентнинг «Авто-мобилист» командаси айниқса муваффақиятли қатнашди. Ҳамшаҳарларимиз биринчи уч-рашувда Олмаота волейболчи-

УҚУВЧИЛАР СПАРТАКИАДАС

Буюк Ғалабанинг 30 йил-лиги шарафига ўтказилаётган Тошкент шаҳар ўқувчилари XXI спартакиадаси программа-

Қ. НУРМУХАМЕДОВ, 5-БОЛАЛАР СПОРТ МАКТАБИ ТРЕНЕРИ.

сидаги қўл тули мусобақалари нияҳасига етди. Қизқарқил ў-ган бу турнирда Чилонзор рай-он командаси биринчи ўринни олди. Октябрь ва Фрунзе рай-онлари эса иккинчи ва учин-чи ўринларини эгаллашди.

Қизлар командалари ўрта-сидаги мусобақа ҳам қизғин ўтди. Бу баҳсларда Фрунзе район командаси биринчи ўринга кўтарилди. Ўқувчилар билан тақдирландилар.

**Редатор
А. ИСМОИЛОВ.**

Реклама ВА Эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
(Киров кўчаси, 11- уй).
МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ БАҲОРГИ
КАНИКУЛ КҮНЛАРИДА
23 МАРТДАН 1 АПРЕЛГАЧА
ҲАР КҮНИ
ЎРГАТИЛГАН ҲАВВОНЛАР
ИШТИРОКИДА
КАТТА ПРОГРАММАДА
ЦИРК УСТАЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ
(2 бўлим)
ТОМОШАЛАР: 10.00, 12.30, 17.00 ва 19.30 да бошланади.
Касса эрталаб соат 10 дан ишлайди.
КОЛЛЕКТИВ БУЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАВУЛ ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ САҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯ БҮРОСИ
ФАШИСТЛАР ГЕРМАНИЯСИ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН
ҒАЛАБАНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА ВАҲИШЛАБ
2 АПРЕЛДАН 22 АПРЕЛГАЧА
„ТУРИСТ“
„ТОШКЕНТ“
ТУРИСТИК
ПОЕЗДИДА
ҚАҲРАМОН ШАҲАРЛАР ВА ЗАКАРПАТБЕНИНГ
МАНЗАРАЛИ ЖОЙЛАРИГА
МАХСУС САҲАТ ТАШҚИЛ ҚИЛАДИ
Саҳаат маршрут: «ТОШКЕНТ—ХАРЬКОВ—КИЕВ—ЛЬВОВ—
УЖГОРОД—МУКАЧЕВО—РАХОВ—ЯРЕМЧА—ЧЕРНОВИЦА—
КИШИНЕВ—ОДЕССА—ХЕРСОН—СЕВАСТОПОЛЬ—ВОЛГОГРАД—
Путёвка нархи — 225 сўм.
ПОИТАХТИМИЗ АҲОЛИСИ ВА ШАҲРИМИЗ МЕҲМОИЛАРИ
ЎТИМИШДАГИ ЭЗБЕК ХАЛҚ ХУНАРМАНДИЛАРИНИНГ АЖОИБ
САҢАТЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШЛАРИ МҲМОНИ.
4 апрелда — Урта Осиё шаҳарлари — САМАРҚАНД ВА
ФАРОНАГА МАХСУС «ДИЛОНОМ» ТУРИСТИК ПОЕЗДИ УЧ
КҮНЛИК САҲАТГА ЖЎНАДИ.
Путёвка нархи — 42 сўм.
Путёвка нархи: бориб-келиш, купели вагонларда яшаш,
вагон-ресторанларда кўнжа уч маҳал оватланиш, шаҳар-
лардаги экскурсия хизмати кирди.
29 апрелда — «ДОВОЛЮЕВ» ПАРОХОДИ ВОЛГА ДАРЕСИ-
ДА САҲАТГА ЖЎНАДИ.
САМОЛЕТДА ҚУВИДАГИ САҲАТЛАР
ЎЮШТИРИЛАДИ:
«ТОШКЕНТ—СОЧИ—ТОШКЕНТ» — 23 март, 14 апрель, 18
апрель.
Путёвка нархи — 210 сўм.
«ТОШКЕНТ—ПИЦУНДА—ТОШКЕНТ» — 18 март, 8 апрель,
28 апрель.
«ТОШКЕНТ—АДЛЕР—ТОШКЕНТ» — 2 апрель, 22 апрель,
26 апрель.
Путёвка нархи — 200 сўм.
«ТОШКЕНТ—ТАГРА—ТОШКЕНТ» — 25 март, 15 апрель.
Путёвка нархи — 210 сўм.
«ТОШКЕНТ—КИСЛОВОДСК—ТОШКЕНТ» — 26 март, 15 ап-
рель.
Путёвка нархи — 210 сўм.
«ТОШКЕНТ—ПЯТИГОРСК—ТОШКЕНТ» — 16 апрель.
Путёвка нархи — 210 сўм.
«ТОШКЕНТ—ЛЕНИНГРАД—ТАЛЛИН — ТОШКЕНТ» — 1 ап-
рель, 16 апрель.
Путёвка нархи — 220 сўм.
«ТОШКЕНТ—КИЕВ—ТОШКЕНТ» — 1 апрель, 16 апрель.
Путёвка нархи — 215 сўм.
«ТОШКЕНТ—ВИЛЬНОС—ШЯУЛЯЙ-ПАЛАНГА — ТОШКЕНТ»
— 25 март, 24 апрель.
Путёвка нархи — 237 сўм.
ПУТЕВКА НАРХИГА САМОЛЕТДА БОРИШ ВА КЕЛИШ ҲАМ
КИРАДИ.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўча-
си, 44-уй. Телефон: 32-09-72.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТУРИСТЛАР КЛУБИ
19 МАРТ КЕЧ СОАТ 7 ДА
КҮНГИЛИ СПОРТ ЖАМИНАТИНИНГ ТУРИЗМ СЕКЦИЯ-
ЛАРИ ВА ФИЗКУЛЬТУРА КОМИТЕТЛАРИ ВАКИЛАРИ БИЛАН
КЕНГАШ ҲАМРАЗИ
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Т. Шевченко кўча-
си, 44-уй.
Клуб правления.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ
БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00—
МОСКВА. 18.15 — ТОШКЕНТ. 18.25
— Мульфильм 18.45 — «Глобус»
19.05 — Кишлоқ ҳўналиши Олим-
лари телевиэион халқ университ-
ети. 19.30 — «Ахборот». 19.50—
Ҳин минут музика. 20.00 — Спорт
кўрсатуви. 20.40 — КПСС—Улуғ
Ватан урушида совет халқи
эршиган ғалабанинг илҳомини
на ташкилотчи (Москва). 21.00
— «Ахборот». 21.20 — Концерт.
22.00 — «Вант». 22.30 — Концерт.
ЧССР—СССР. ИККИНЧИ ПРОГРАМ-
МА. 11.30 — ТОШКЕНТ. 11.35 —
Телефильм. 12.25 — Ўқув кўрса-
туви. 18.15 — МОСКВА. 19.00 —
Янгиланган. 19.15 — Мульфильм.
19.25 — Инсон ва қонуи. 19.55—
Халқ ияоди. 20.40 — Жангавор
поезда (Тошкент). 21.00 — Хур-
ланганлар (2-серия). 22.00 —
ТОШКЕНТ. 22.30 — Совет кўрбоси
усталари. Юрий Николай. Учин-
чи ПРОГРАММА. 19.25 — ТОШ-
КЕНТ. 19.30 — Гаврош (бадиий
фильм). 20.45 — Ўқув кўрсатуви.
21.25 — Тошкент лигиликлар.
21.40 — Ўқув кўрсатуви.

ТЕАТР
ҲАМДА НОМИДАГИ ЭЗБЕК ДАВ-
ЛАТ АКАДЕМИЯ ДРАМА ТЕАТРИ-
ДА—18[III] да Луиш Вотири, 19[III]
да Карочинари, 20[III] да Бой ила
хизматчи.
ЭЗБЕК ДАВЛАТ «ВШ ГВАРДИЯ»
ДРАМА ТЕАТРИДА — 19[III]да Би-
ринчи 69са (18.00).
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—
ЛУЛИЛАР АТТРАКЦИОННИНГ
ГАСТРОЛЛАРИ (17.30).

КИНО
Миллионни қандай Ўғирлаш ке-
рак? — САҢАТ САРОНИ, «ЧАЙ-
КА», «ВОСТОК», «МОСКВА», «НУ-
КУС» (кўнуду ва кечуруи).
Осмон кучогидан — «ЭЗБЕ-
КИСТО», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛ-
ЛИГИ» (қулузу ва кечуруи).
Исининг ёндинда тут — «ТОШ-
КЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ»
НАВОНИ НОМЛИ. (қулузу ва ке-
чуруи). «ҚОЗОГИСТОН» (тоқ соат-
ларда).
Кумуш кўл хазинаси — «ҚО-
ЗОГИСТОН» (кўфт соатларда).